

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ



19 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Давлатлараро Кенгашнинг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди. Сафар олдида мамлакатимиз Президентини оммавий ахборот воситалари вакиллари билан интервью бериб, жумладан, шундай деди:

— Маълумки, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Абдий дўстлик тўғрисидаги Шартномага имзо чеккан. Бу галги йиғилишда асосий эътибор мана шу муҳим ҳужжатнинг амалий ижросига қаратилди. Мазкур Шартнома доирасида баҳариланган ишлар таҳлил қилиниши баробарида муштарак аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган иқтисодий бўҳрон тўғрисида кейинги пайтларда кўп гапирилди. Остонада Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари билан мана шундай инқирозларнинг олдини олиш, уларнинг минтақамизга нисбатан таъсирини юмшатиш йўллари ҳам муҳокама қилимиз.

Оқимини айтганда, минтақамиздаги барча мамлакатлар мустақил бўлсаларда, ўзаро алоқаларда эскича ёндашувлардан ҳали бутунлай ҳалос бўлинмагани баъзан сезилиб қолади. Мен ўзаро муносабатлар, барча суверен давлатлар орасида бўлганидек, мустақам қарор топиши тарафдориман. Ҳеч кимга сир эмас: Ўзбекистонда кўпгина халқ истеъмол молларининг баҳоси кўшни давлатлардагига нисбатан анча арзон. Ҳўш, бу нимани кўрсатмоқда? Масалан, бизда шакарнинг нархи 5 ёки 10 сўмга ошиши билан айрим кўшилларимизда ундан ҳам зиёда ошади. Бозор иқтисодиёти қонунларидадан маълумки, ҳаерда нарх-наво қиммат бўлса, махсулот ўша томонга қараб оқиб боради. Ўзбекистондаги арзончиликдан кўшилларимиз ана шу мақсадда фойдаланишгаёта.

Ҳам биз учун сир эмас. Остонада бўладиган учрашувда шу масала юзасидан ҳам фикрлашиб оламиз.

Хабарингиз бор, биз чегара кўшилларини ташкил этдик, эндиликда мамлакатимиз сарҳадлари муҳофазасини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Бирой айрилар «Ўзбекистон ўз чегараларини ёпиб қўймоқда», деб ортиқча шовшув кўтараётгани ҳам сир

эмас. 16 февраль воқеалари бу борада кўраётган чоратдирларимиз нақадар тўғри эканини кўрсатди. Мен яна бир бор таъкидлашни истар эдим: чегараларимизни мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад, аввало, мамлакатимизга ҳар хил экстремистик кучларнинг суқилиб киришига, сарҳадларимиздан ноқонун равишда ўтиш, наркотик моддалар олиб ўтилиши ҳолларига чек қўйишдан иборатдир.

Маълумки, 1998 йил якулари ва 1999 йилда амалга оширилиши мўлжалланган чоратдирларнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. У ҳам бўлса, биз учун доимо устувор бўлган халқни ижтимоий ҳимоялаш масаласидир. Биз илгари, асосан, макроиқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва бошқа қатор иқтисодий йўналишларни устувор деб билар эдик. Лекин жорий йилда халқни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этишни энг асосий вазифамиз, деб қабул қилдик. Бундан кўзланган мақсад — ислохот ислохот учун эмас, ислохот, аввало, инсон учун, деган қоида ўзининг тўла амалий ифодасини топишини таъминлашдан иборат. Биз ислохотларнинг умумий пайдоёвирини яратиш босқичини ортда қолдирдик. Эндиги вазифамиз навбатдаги устувор босқичларга ўтиб, белгиланган режаларнинг амалда ички баҳарилишини таъминлашдир. Бунинг учун тажрибамиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли.

Пойтахт аэропортида Президент Ислам Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси У. Ўзбеков ҳам бор эди.

Шу куннинг ўзидаёқ давлатимиз раҳбари Остона шаҳрига етиб келди. Бу ерда Абдий дўстлик ҳақида Шартномага аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари иштирокидаги навбатдаги мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов, Қозоғистон Республикаси Президентини Нурсултон Назарбаев ва Қирғизистон Республикаси Президентини Аскар Акаев иштирок этди.

Дастлаб, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентларининг тор доирдаги учрашувида уч давлат ўртасида имзоланган Абдий дўстлик ҳақидаги Шартноманинг баҳарилишига доир бир қанча масалалар муҳокама этилди.

Шундан сўнг уч мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев мажлисини очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга ва бутун ўзбек халқига шу йил 16 февраль кuni Тошкентда террорчилик ҳаракати содир этилиши оқибатида бир қанча беғунох кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келган фожиа муносабати билан ҳамдардлик билдирди. У бундай террорчилик ҳаракати, энг аввало, Президент Ислам Каримов ҳамда Ўзбекистон мустақиллигига қарши содир этилган, деб ҳисоблашини таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ҳам Ўзбекистон Президенти ва халқига чукур ҳамдардлик билдирди. Кенгайтирилган мажлис ниятида «Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ўртасидаги Абдий дўстлик ҳақидаги Шартноманинг баҳарилиши тўғрисида»ги Протокол, шунингдек, «Жаҳонда юз бераётган иқтисодий бўҳронларнинг Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси миллий иқтисодиётига таъсири»ни юмшатиш мақсадида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тўғрисида»ги Меморандум имзоланди.

Мажлис якунида матбуот анжумани бўлди. Унда Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Шу кuni Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлат раҳбарини пойтахт аэропортида Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси У. Ўзбеков ҳам бор эди.

(ЎЗА).
СУРАТДА: кузатиш пайти.
Р. Жуманиёзов (ЎЗА)
олган сурат.

ЙЎЛБОШЧИМИЗ АТРОФИГА ЖИПСЛАШАМИЗ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси фаолиятининг 16 февраль кuni шаҳаримизда содир бўлган тажовуз ва ёвуз кучларнинг кўп-ручилиги асосида содир этган воқеаларга бағишланган навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда туман хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, суд, прокуратура, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, корхона, ташкилот ва уюшма раҳбарлари, туман фаоллари иштирок этдилар.

Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова олиб борди.

— Мустақил Ватанимизда йўлбошчимиз раҳнамолигида иқтисод ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш соҳасида фахрланса арзийдиган ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, келажакимиз бўлган ёшларимизнинг ҳар томонлама етук ва баркамол авлод бўлиб етишишига катта эътибор берилмоқда, — деди Фарида Абдурахимова. — Бу фожиа Ўзбекистон халқини, айниқса оналар, опа-сингиллари-мизнинг қалбларини ларзага солди. Шунинг билан айта оламизки, ёш қари, аҳолининг барча қатлами вакиллари аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ Президентимиз атрофида жиқлашамиз. Яратувчилик, бунёдкорлик меҳнатимизда, олий мақсадларимизнинг рўёбга чиқишига ҳамиша оғоҳ ва ҳушёр бўламиз.

Мазкур йиғилишда Шайхонтоҳур тумани прокурори О. Фузаилов, Тошкент метрополитени хотин-қизлар кўмитаси раиси В. Никитина, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, 59-маҳкам ди-

ректори М. Эшонхўжаева, шунингдек «Олмазор» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси Д. Умаровлар сўзга чиқиб, бу муҳим воқеа ҳеч бировимизни кўрқуга, ҳаяжонга, саросимага солмаслигини, балки ҳушёрликка, бирдамликка, тинчликни ҳимоя қилишга сафарбар қилаётгани, ҳаммамиз учун қадрили бўлган мустақиллигини кўз қорачигимиздай асрашимиз лозимлигини, чунки бу асрий орзу келажак авлод учун биздан қоладиган улугъ неъмат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш сўнида Тошкент шаҳар хотин-қизларининг шаҳар аҳолисига мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Фулмова сўзга чиқди.

Маъмура РЎЗИЕВА.

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

16 февралда Тошкентда рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлағанов номига таъзияномада келмоқда. Кўйида шу таъзияномаларни эълон қиламоқдамиз.

Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. ТўЛАҒАНОВА
Ҳурматли Қозим Носирович!

Днепропетровск аҳолиси Тошкентда содир бўлган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу ва қар-ғазаб билан қутиб олди. Шу нарса дахшатлигини, мустақил Ўзбекистон, Сизнинг ажайиб шахрингизнинг тараққиёти йўлида қор кучлар гов бўлмоқда. Улар ҳар қандай қабиҳ усуллардан қайтмайдилар. Уларнинг бу қабиҳликларини халқ

ҳам, тарих ҳам асло кечирмайдми ва биз улар ўз қилмишларига яраша жазо олади деб ишонамиз.

Ана шу оғир, фожиали дақиқаларда Днепропетровск шаҳар кенгаши, қардош Днепропетровскнинг барча аҳолиси Сизлар билан бирга эканлигини Сиз билишингизни хоҳлаймиз. Сизларга шахрингиз ва республикангиз олдида турган мақсадларга эришишда янада катта жиқлашув, қатъият ва ишонч тилаймиз.

Халок бўлганларнинг қар-

риндош-уруғларига ва яқинларига чуқур таъзия билдирамиз.

Ҳурмат билан,
Шаҳар головаси
Н. А. ШВЕЦ.

Ҳурматли Қозим Носирович!

Тошкентда содир этилган портлашлар тўғрисидаги хабарни Бишкек аҳолиси чуқур ғазаб билан қутиб олди.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатида кишиларнинг ҳалок бўлганлиги муносабати билан бизнинг самимий таъзиямизни, шунингдек ҳар қандай мадад кўрсатишга тайёр эканлигимизни қабул қилинг.

Эҳтиром ила,
Бишкек шаҳри мэри
Ф. ҚУЛОВ.

Муносабат

ОҒОҲ БЎЛАЙЛИК, ОДАМЛАР!

16 февраль кuni шаҳримизда рўй берган қонли қурбончилик ҳаракатлари ҳақида равишда ҳамшаҳарларимизнинг ғазаб ва нафратини уйғотди. Турли касб эгалари, дунёқарашлари ҳар хил бўлган юртдошларимиз ушбу ёвуз террорчиликни қоралаб, мустақиллигимиз, тинчлигимиз қадрига етишимиз, Юртбошимиз атрофида янада маҳкамроқ жиқлашиб, уларни қўллаб-қувватлашимиз лозимлигини таъкидламоқдалар. Ҳамшаҳарларимизнинг кўйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам ушбу фикримиз далилидир.

• Собиржон ҲОЖИЕВ,
Хорижий тиллар академик
лицийи тарих ўқитувчиси:
— Президентимизнинг «Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз», деган сўзларини мен биз педагоглар учун гапирилган деб қабул қилдим. Бу бизларга янада катта масъулият юклаб, келгусида ҳаёт дастуришни бўлиб қолиши керак.

Республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг бундан икки йил аввал чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари» асарларининг кириш қисмида: «Оғоҳ бўлинг, одамлар!» деган даъватлари ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. «Фахрланиш мумкин

ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигини, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тўтовулини асранг», деган сўзлари ўша фожиали кунни гўёки сезиб башорат қилингандай бўлди.

Ушбу қўпуровчилик ҳаракатларининг замирида разил ниятлар ётибди. Демак, ёшларимизга бўлган эътиборнинг қучайтирилганлигини гаразли кучлар кўра олишолмапти. Халол ва тўғри йўлимизга бор куч-имкониятлари билан ҳалқат беришга уринмоқдалар. Бизларнинг гаразгўй, ёвуз нияти қўпуровчиларга қарата айтадиган гапимиз шуки, баркамол, маънавияти юксак, эркин фикрловчи, Ватанини жон-дилидан сеувчи авлодни етиштиришга бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

ЖАМОАНИНГ 100 МИНГ СЎМИ

Миллатлараро тўтовулик, тинчлик ва барқарорлик ҳар доим мустақиллигимиз эришган буюк нёсмет бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Биз ана шу буюк нёсмет билан ҳар доим фахрланамиз ва фахрланаверамиз. Ушбу ҳеч қачон ҳеч кимга асло бермаймиз.

«Тошиссиқлиқкуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасининг пойтахтимизда 16 февраль

кuni бўлиб ўтган фожиали воқеалар муносабати билан ўтказилган умумий йиғилишда юқоридаги фикрлар яна бир бор яқдиллик билан таъкидланди. Террорчилик ҳаракатлари оқибатида беайиб кишилар ҳалок бўлиши, бир қатор бинолар зарар кўрди. Лекин халқимиз бу бедодликлардан ваҳимага тушмади. Мамлакатимизнинг барча фуқаролари каби бирлашма ходимлари ҳам Президентимиз Ислам Каримовнинг кучли демократик давлат қуришга қаратилган одилона сиёсатини тўла қўллаб-қувватламоқдалар. Уларнинг бундай қўллаб-қувватлашлари сўзгагина эмас, амалда ҳам ўз ифодасини топомқда. Бирлашма кенгашининг қарорига кўра шанба кuni ишлаб топилган 100 минг сўм террорчилик ҳаракатларидан зарар кўрганларга ёрдам учун ўтказилдиган бўлди.

(Ўз муҳбиримиз).

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Тошкент шаҳрида 16 февралда рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан жаҳоннинг турли мамлакатлари давлат ва ҳукуматлари раҳбарларидан, халқаро ташкилотлар, фирма ва компаниялар, фуқаролардан таъзияномалар келмоқда.

• Мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтган митинглар, мажлислар, фаолларнинг йиғилишларида пойтахтда рўй берган фожиали воқеалар, ижтимоий-сиёсий вазиятни янада барқарорлаштириш масалалари муҳокама этилди. Тошкентда вайрон бўлган уйларида, биналарда қайта тиклаш ишлари жадал сўратлар билан олиб борилмоқда. Республикаимиз фуқароларидан, корхоналардан, муассасалардан пул маблағлари махсус ҳисоб рақамига келиб тушмоқда.

• Олий Мажлис Кенгашининг 19 февраль кuni бўлиб ўтган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда улар маслаҳатчиларининг 1998 йил ноябрь-декабрда бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

• Республика матбуотида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидаги сайлов якунлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

• Пойтахтнинг Миробод туманида истикомат қилувчи 103 ёшли онахон — Фотима ая Умарова давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик хати ёзган эдилар. Президентимизда фарзандларча севиноч уйғотган Фотима аянинг дил сўзларига жавобан йўлбошчимиз аяга жавоб мактуби йўлладилар. Онахонга Президентимизнинг мактуби ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

• Республика таълим марказида ўқувчиларнинг жисмоний тарбияси ва улар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш масалалари бағишланган семинар-кенгаш бўлди.

• Асака туманида 300 ўқувчига мўлжалланган янги коллеж биноси қурилиши бошланди.

• Пойтахтимиздаги Киночилар уйида «Умид» қалдирғочлари» ҳужжатли фильмининг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу фильм Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси бўйича ташкил этилган «Умид» жағмараси фаолиятига бағишланган.

• «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Тошкент-Киев-Нью-Йорк халқаро авиайўналишини очди. Киевда шу ҳусусдаги тегишли битим имзоланди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Санкт-Петербургда Россия Федерацияси Бош вазирини Е. Примаковнинг Финляндия Бош вазирини П. Липпонен билан учрашуви бўлиб ўтди. Минтақадаги экологик вазият сўбатининг бош мавзуси бўлди.

• Утган шанба кuni Бойкўнғир космодромидан «Союз-ТМ» кемаси учурилди. Кеманинг орбитал мажмуи билан тўташтириливи бугунга мўлжалланган.

• Москва марказида автомобиль портлатилди. Жароҳат олганлар бор.

• Кеча Молдовадаги талаба қурдлар ўзларининг етакчилари бўлиши Абдулла Ужолани озод этишни талаб этиб очлик бошладилар.

• Курд ишчи-партиясининг етакчиси Абдулла Ужолан устидан суд жараёни апрель ойининг ўнинчи санасида бошланди.

• Утган шанба кuni Боннда катта еттилик мамлакатлари молия вазирлари Россия, Япония ва Бразилиядаги иқтисодий аҳолини муҳокама қилдилар.

• Вашингтонда АКШ ва Франция Президентлари Билл Клинтон билан Жаҳ Ширак ўртасидаги бўлиб ўтган учрашувда Косово ва Йроқдаги вазият мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

• Ҳиндистон Бош вазирини Важапаи норасмий ташриф билан Покистонга келди. Бу — кейинги ўн йил мобайнидаги биринчи ташрифидир. Важапаи бу ерга йўловчи автобусида келди. Бу билан у Деҳли ва Покистоннинг Лахор шаҳри ўртасидаги дастлабки автомобиль йўналишини очди. Важапаининг Покистон Бош вазирини Навоз Шариф билан учрашуви бўлди.

• Украинанинг собиқ бош вазирини Павел Лазаренко АКШга киришга уриниш пайтида америкалик маъмуллар томонидан қўлга олинди. Қўлга олишнинг сабаби — кириш вазисининг нотўғри расмийлаштирилганлигидир. Украина ҳукумати Америка маъмулларига Павел Лазаренко киришга беришни сўраб мурожаат қилди. Павел Лазаренко қонунчилик ва операциялари ва зиммат лавозимини суиестеъмол қилишда айбланмоқда.

• Румбуйеда ўтаётган Косово муаммоларига бағишланган музокаралар сешанба кунига қадар узайтирилди. Делегациялар айрим сиёсий жиҳатлар бўйича келишувга эришдилар. Харбий қарорлар тўғрисидаги масала эса ҳозирча муаммолигича турибди.

• Байрут қиёнида бино қулаб тушди. Беш киши ҳалок бўлди, ўндан ортиқ одам жароҳатланди. Бу ерда кутқарув ишлари давом этмоқда. Халок бўлганлар сони кўпайиши мумкин.

• Филиппинлик иختирочи Даниэль Динго ажайиб автомобиль яратди. Автомобил ёқили ўрнига оддий сувда ишлайди. 20 литр сув 800 километр масофага етади.

• Парижда хунрезлик ҳаракати содир этилди. Халок бўлган малика Динанининг ёдгорлиги тақдирланди. Поэтилар раъсий оловни акс эттириб турувчи ёдгорлик бойини буюк билан қораштириб ташладилар. Бу ёдгорлик 1997 йилнинг августиде малика ҳалок бўлган жой яқинига ўрнатилган эди.

Футбол

РАҚИБЛАР ҚЎЛЛИ БАЛАНД КЕЛДИ

КЕЧА

«ЖАР» спорт марказида «Пахтакор» жамоаси Осиё Кубок эгалари Кубок чорак финалининг иккинчи баҳсиди Саудия Арабистонининг «Ал Иттиҳод» командаси билан ўзаро куч синашди.

Биринчи беллашувда ҳамшаҳарларимиз йирик ҳисобда мағлубиятга учраганлиги сабабли «бу гал «Пахтакор» кейинги босқичга чиқиш учун фақат йирик ҳисобда ғалаба қозониши керак эди.

Юртимизда ҳали футбол мавсуми бошланмагани, Саудия Арабистониде эса у айни қизгин паллага чиққани ҳам кўп жиҳатдан ўйин тақдирини ҳал этди. Зеро, «Пахтакор» ўйинчиларининг ҳали спорт формасида эмаслиги сезилиб турди.

Иккинчи бўлимда А. Ақопянц ва А. Абдураимовлар майдонга тушганидан сўнг футболчиларимиз ўйини биринчи жонланган бўлсада ҳисоб ўзгармади.

Шундай қилиб ушбу ўйинда жуда кучли рақиб — Саудия Арабистони чемпионатида 17 ўйинда 16 ғалаба қозониб туринида қарвонбошлик қилаётган «Ал Иттиҳод» командаси ғалаба қозониб ва икки ўйин натижасига қўра ярим финалга йўлланма олди.

(Ўз муҳбиримиз).

Кураш ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ДАРАЖАСИДА ЎТАДИ

Мамлакатимизда икк бор Кураш бўйича I-жаҳон чемпионатининг ўтказилиш вақти ҳам тобора яқинлашмоқда.

Шу боис Республика Миллий матбуот марказида Хал-

қаро «Кураш» ассоциацияси ижроия кўмитаси кенгаши аъзоларининг оммавий ахборот воситалари муҳбирлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Халқаро «Кураш» ассоциацияси ижроия кўмита-

си кенгаши аъзолари, шунингдек, Бутунжаҳон Дзюдо уюшмаси биринчи вице-президенти, Европа Дзюдо уюшмаси президенти Франс Хугендайк, Халқаро «Кураш» ассоциациясининг молия масалалари бўйича вице-президенти, Литва МОК Ассамблеяси аъзоси Гинтис Вилейталар ҳам иштирок этди.

Мазкур конференция жуда қизиқарли савол-жавоблар тарзида фикр ва мулоҳазаларга ҳам бой бўлди.

(Ўз муҳбиримиз).

Республикаимиз пойтахти Тошкентда бар-по қилинган Хотира ва қадрлаш-майдо-ни бирор онга фуқарони бефарқ қолдирма-са керак. Негаки, агар инсон юз йил умр кўрсанда ҳам ахир бир кун бу дунёдан кети-шини ўйлаб яшайдиган бўлса, ҳар икки дунёси обод бўлурди.

Бу деган сўз дунёдан ўтганларни ҳамиша яхши гаплар билан эслаш, хотираларига хур-мат билан қараш, тирикларга иззат кўрсатиш-дан иборат бўлиб чиқади. Модомики инсон ўз ҳаёти, фаолиятида мана шу икки нуктага амал қилдимки, у ҳамisha эзгуликка интилади, ўзидан яхши ном қолдиришни ўйлайди. Бу эса, асли иймон-эътиқоднинг ўзгасидир... Нега-ки, ҳаёт шунки кўрсатадики, Ватани ва халқи манфаати учун жонини фидо қилганларга қар-ши курашган ивгогар, фитначиларнинг ҳам-маси доимо марҳумлар арвоҳига ҳам тўхмат қилиб қўйганлар... Тириклари ажалдан ил-гари ўлдирилганлари, марҳумларнинг хотирала-рини оёқости қилганлари учун ўша ягона маф-курачилардан катта-катта имтиёзлар олиб тур-ганлар. Халқимиз муқаддас урф-одатлари, миллий анъаналари, тарихи, маданиятини ҳа-қорат қилувчилар ҳам айна шу гуруҳлар эди... Шўролар ўзининг бедод ҳукмронлиги, мустам-лакчилик сиёсатида худди шуларга таянгани тарихдан маълум. Бундай сунъий тоалардан ташкил топган ижтимоий тузум нималар бил-лан тугаганини ҳозир бутун дунё кўриб ту-рибди... Инсоннинг қалбидаги муқаддас ҳис-туйғуларни, эзгу мақсадларни поймол қилиш-га қаратилган қайси жамият тараққий этган? Бундай тузум гарчи бўлганда ҳам тезда та-назулга юз тутган, эл-юртни вайрон қилган, яратганнинг қаҳрига дучор бўлган... Ана шу жамиятда на ўлик ва на тирикка заррача хур-мат қаёқдан бўлсин? Бугун жаҳонда рўй бераётган турли воқеа-ҳодисаларга қиёс-лаб ўз ҳаётимизга назар ташлар эканмиз, унда аввало барқарорлик, иқтисодий юк-салиш, дунёнинг энг ривожланган давлат-лари билан тенг ҳуқуқли ва фойдали ало-қалар ўрнатиш, қадриятларимизга хурмат, энг яхши ва муқаддас миллий урф-одат-ларимиз, анъаналаримизни тиклашда, албатта Миллий Мустақиллигимиз ва уни-нг етакчиси — Ўртбошимиз фаолияти на-тижаси, Оллохнинг назари дейилса хато бўлмас керак. Зеро тирикчилигини эллай олмаганлар марҳумлар ҳақида ўйлашлари мушкул бўларди-да! Худога минг шукри, ай-рим қийинчиликларга қарамай, асос-эътибо-ри билан юртимизда халқ ҳаёти муайян бир меъёрга давом этмоқда, кам таъминланган-ларнинг ижтимоий ҳимоялари қаролатилган, умрида бирор кун ишлайма қайсиби қол-ганлар ҳам энг кам иш ҳақи миқдорига нафақа олади. Бу гарчи ортқича орзу-ха-васга етмасда кўчага чиқиб тиланчилик қилишдан асрайди; зеро ҳозир Тошкент кўчаларида маҳаллий аҳолидан бирорта гадоий йўл. Агар сиз кўча-қўйда, бозор ёки метро бекатларида бирон тиланчини учрати-б қолсангиз, эътибор беринг, ўзбек эмас, ал-лақаёқлардан — на иқтисодий, на сиёсий бар-қарорлигини тайини йўл юртлардан дайдиб келиб қолганлар бўлиб чиқади. Бугунги и-стиқлолимизни мустақамлаш учун олиб бори-лаётган турли муҳим ва жуда катта, мураккаб қурилишлар тўғрисида ўйлаётган баъзи кам-чи-лик ва нуқсонларга маҳкам ёпишиб олиб, э-ски тузумни қўсашга уринаётганлар агар во-қеаларга биз қисман изоҳлаб ўтган тарзда назар ташлаганлариди, эҳтиомл, дунёқараш-ларида жиндек ўзгариш рўй берармики?!

Шу кўнларда пойтахтимизда юз берган машум воқеага халқимиз, бутун жаҳон ахли ўз муносабатларини билдирмоқдалар, мустақиллигимизга, Президентимизга қилинган тажовузини ғазаб билан қораламоқдалар ва Ўртбо-шимизнинг «Туркистон» газетаси муҳби-рининг саволларига берган жавобларига ҳозир республикаимизда кечаётган талай воқеа-ҳодисалар, иқтисодий, сиёсий ўз-гаришлар билан бирга ўта мураккаб жа-ҳоннинг турли худудларида содир бўлаёт-ган ҳолатлар, уларнинг таъсир кучи, бун-

дан огоҳ бўлиш ва ҳар бирига муносабат-ни белгилаб олиш каби теран тафаккурта-лаб изоҳлар мавжудлиги яна бир исбот-ланди. Бугунги кунда улар устида ҳар бир онгли инсон ўйламай иложи йўқ. Булар ора-сида ижтимоий зиддиятлар гирдобига қолган халқлар, мамлакатлар мафкура ва оммавий ах-борот воситалари, ёшлар тарбияси-ю, ўтган-ларни хотирлаш ва тирикларнинг қадрига етиш-каби шундай ҳаётий муаммолар қамраб олин-ганки, ундан тўғри хулосалар чиқариш муҳим

Муносабат

МАРҲУМЛАР ХОТИРАСИНИ ТИРИКЛАР ЭЪЗОЗЛАЙДИ



аҳамиятга эгадир. Чунки, айрим дунёқароши ҳамisha қинғирликка мойил одамларнинг биз-да қандай ўзгариш рўй берса, ўзлари учун фа-кат нотўғри хулосалар чиқариб туришларини учрати-б турамыз. Хотира ва қадрлаш майдони барпо этилиши қандай яхши ниятлар билан амалга оширилаётгани маълум. Аммо баъзи-да буни тушунмасдан орамизда юрганлар ҳам топила-р экан... Аслида «ғалаба куни», «но-маълум солдат» деган ибораларнинг бирорта-сида бизнинг миллий анъаналаримиз ёки урф-одатларимиз бормиди? Москвада ўйлаб то-пилган гаплар — номаълум солдат ибраси устида ҳам ўйлаб кўриш-вақти етмадимми? Ахир республикаимиздан урушга кетиб, қи-зил империя тахтини мажбуран ҳимоя қи-либ ҳалок бўлганлар номаълум эмас, маъ-лум одамларку! Уларнинг ота-оналари, бо-ла-чакалари, қариндош-уруғлари ҳамон мотамсара бўлиб юрганларини учрати-б ту-рамизку! Нега, ҳаммасини бир гўр қилиб номаълум деб аташ керак экан?

Ўртбошимизнинг жавобларида халқимиз-нинг бири урушда, иккинчиси қамқолларда, сур-гунларда, яна қайсилари ўз озодлиги учун ку-рашганлари учун босмачи ёки халқ душмани тамгалари остида қириб ташлангани айтилди, буларнинг хотирасини ўйлаш ҳақида ҳам кат-та фикр-мулоҳазалар бор. Шунга биргина ми-сол келтирамиз. Бир отахондан эшитишимиз-

ча, Тошкентнинг марказларидан бири — Лабзак-да катта гузар бор бўлиб, унда баққоллик, турли дўконлар, чойхоналар сероб ва обод эди. Шу гу-зар яқинидан Исломобойвачча, Сайдали, Абдуса-мад ака деганлар шаҳар ҳовлисида, далалари-дан маҳрум этилиб, қулоқ қилинган эканлар. Би-ри Сибирга, иккинчиси Украина томонларга сур-гун қилиндилар. Уларнинг хотинлари, оналари ке-ча-ю кундуз жигарбандларига қуйиб ҳасрат-на-домат билан оламдан ўтдилар. Болаларининг эса айримлари қамалди, баъзилари урушга кетиб қайтмади. Эътибор қилинг: халқ душмани, қулоқ-нинг ўғли Ватан урушга олинади, аммо ўзининг ҳуқуқларини бир молга тенг хурматга лойиқ қў-рилмайди... Қулоқ қилинган Сайдали аканинг хо-тинлари уч болани ташлаб вафот этдилар. Она-лари эса, Зиннат опоқ ойининг катта ўғиллари Украинада сургунда, қичғи Убайдулла ака эса ёш хотини, ҳали биронтаси оёққа турмаган бир этак болаларини ташлаб урушга кетди... Рўзгор, уй-жой, даладаги ер-сув тортиб олинган... Ана энди Зиннат опоқ ойининг ке-ча-ю кундуз «Сайда-ли, Убайдулла — болаларим, кексайганимда мени ўзларинг кўмарсан, деб умид қилар-дим» дея қилган ноаларига ҳеч қим қидолмас-ди. Икки кўзларидан ёш эмас, қон оқаётгандек дардди, ҳасратли, даҳшатли бир ҳолатда армон-у ҳасратда оламдан ўтган эканлар... Ислом ака эса, Сибирда совуқ ва таҳрирликлардан кўзлари ожиз бўлиб қолди деб хат келган, аммо у кишидан хабар оладиган ҳеч қим қолмабди... Икки ўғил-лари урушда, биттаси эса, тунда қолхоз пахтаси-ни сўғартаётганда озгина сув тошиб кетган экан, «халқ душманининг ўғли пахтага атайлаб зарар берган» деб қамаб юборишди. Сув сўғорган одам — Асадилла деган йигит умри деҳқончилик билан ўтган, кетмондан бошқа ишни билмайдиг-ган жуда содда, ҳокисор, меҳнатқаш йигит экан. Тошкент вилоятининг Дўрмон даҳасидаги Қора-мурт қишлоғидаги ер-сув, боғ-роғларнинг кўпи Сайдали ва Ислом ака, Абдусамад акаларга қар-аркан... Асадилланинг акаси Патхилла энди ўйланган, ҳали фарзанд кўрмай урушга кетиб қайтмабди. Ёш бева ва онаси чирқиллаб қолди. Кетидан укаси Асадилла қамалганда ундан қичғи-ги — Қудратилла ҳам урушга кетиб, оғир ногирон бўлиб қайтди... Унгача унинг ота-онаси-ю, ака-ларидан биронтаси қолмади... Гам-алам билан қирилиб кетишди. Майдонга ўрнатилган мотамсара онанинг юзларида гагитликл, уруш кўзирган фожиялар таъсири асқ этиб тур-шини Ўртбошимиз таъкидлаганларида — ўша куйган, ёлган Зиннат опоқ ойини, эридан ва бир неча болаларидан бирдиганга айрилиб қолган Қаромат опоқ ойи қабилярнинг ўта оғир гам юқидан эгилган қаддилари, доим чексиз алам-изтиробдан тиришиб кетган хор-гин юзлари, ич-ичига ботиб кетаётган ва ду-нэ ташвишларидан нурлари хиралашиб бо-раётган кўзлари хотираларимизда тиклана-ди... Бизни ўйлатади, эззати, изтиробларга со-лади. Ана шуларни эслашнинг ўзи бир дунэ тар-биявий аҳамият касб этадимики? Инсон — ин-сон бўлгандан кейин ўз жигарғушалари тақдири билан яшамайдиган бўлса, унинг бошқа жонзот-лардан нима фарқи бўлади? Хуллас, Хотира ва қадрлаш майдони оддий зияратгина эмас, балки унинг жуда катта бир маънавий, маърифий, таъ-лим ва тарбиявий аҳамияти ҳам бор. Ўйлаб кў-райлик, агар биз мазорини зиярат қилган кез-ларимизда ота-онамиз, дунёдан ўтган ака-ларимиз ёки бошқа ҳешларимизнинг, қабр-лари устида туриб нималарни ўйлашимиз ёки беҳиётёр ҳаёлимизга нималар келади десак, тўғрироқ бўлса керак. Негаки, қалбида зар-рача иймонни борлар — мазорини зиярат қил-ганда вужудида кечаётган хис-туйғуларни хатто сўз билан айтиб беролмайди ҳам... Шу ерга келиши муқарраллигини ўйлаб ўйга чў-миб кетади... Бундай қалб эгасида эзгулик-лар бисёр бўлади, ҳар қадамини билиб бо-сади, ўз халқи, ватани, ёр-биродарларига фақат яхшилик қилиш нияти билан яшайди... Бу эса, ҳар бир жамият аъзосининг олий мақ-садиридир.

Хотира майдони шундай улугвор мақсад-ларни кўзда тутиб барпо этилмоқда, бу ер ҳаммамиз учун МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲ бў-либ қолиши муқаррар.

Ақмал АҚРОМОВ.

но ҳикмати», «Абу Али ибн Синони-нг Саломон ва Ибсол қиссаси», «Ҳаким Ибн Сино» ва бошқа қўп-лаб китоб, рисола ва мақолалар бор.

Абдусодиқ Ирисов мақолалари Сурия, Туркия ва бошқа мамлакат-ларнинг журнал ва газеталарида ҳам чоп этилган. Улар орқали ал-лома Узбекистонда шарқшунослик, маданият, адабиёт соҳаларида олиб борилаётган ишлар билан хо-

ҳозирги даврдаги аҳамиятини яқ-қол кўрсатиб, ёшлар ўртасида ил-ғор тарбиявий-ахлоқий, маданий-маърифий ва маънавий ғояларни илгари сурди. «Гулхан» журнал-ининг масъул котиби, «Гушча» жур-налининг муҳаррири лавозимига иш-лаб, болалар адабиётига катта эътибор берди. Улар учун бир қан-ча шеър ва ҳикоялар тўпламлари-ни ёзиб, нашр этди. Унинг сермах-сул таржимонлик фаолияти ту-файли халқимиз араб адабиёти дурдоналари билан танишиш им-конига эга бўлди. Олим араб, фо-рс, турк тилларида қўп-лаб қисса, ривоят, шеър, ўғит, достон ва ма-салларни ўзбек тилига таржима қилди ва ўзи ҳам асарлар ёзди. Улар орасида «Минг бир кеча», «Шеърлар ва тиббий достон», «Ҳаз-рат Али айтур», «Чаҳорреллар», «Ҳикматларга тўла бу дунё», «Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқини-нг ҳасрати тарихи»: «Қуддусдаги воқеа», Судан ёзувчиларининг «Ян-ги уй» сарлаваҳали ҳикоялар тўпла-ми, Сурия ёзувчиларининг ҳикоя-лари, Миср ёзувчиси Жуброн Ха-лил Жуброн ҳикоялари ва бошқа-лар шулар жумласидандир.

Афсуски, кўп қиррали ижод соҳиби Абдусодиқ Ирисов ўзининг қизгин из-ланишлари даврида бу фойди дунёни тарк этди. Ишончимиз комилки, у қол-дирган мерос халқимизга ўзлимиз-ангаш, Марказий Осиё минтақаси-дан етишиб чиққан алломулар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ёшлар маъна-виятини бойитишга имкон беради ва Узбекистон шарқшунослиги илмий ха-зинасида муносиб ўринни эгаллайди.

Олим ажодларимиз меросини ўрганар экан, унинг қайси соҳага тааллуқли бўлишидан қатъи назар

Эркин ЖАББОРОВ,
олимнинг журналистикадаги
бир неча йиллик ҳамкори.

АСАБ ИЛА ЮРАК ҚУВВАТ ОЛАДИ

фир рангга айланади. Ёқимли, аччиқ-роқ мазага эга. Ўсимликнинг илдиз ва илдизпояси таркибиде эфир мойи, бор-ниол, пинең, камфен, арзулен, лимо-нен, теренон, алкалоидлар, пальми-тин ва бошқа кислоталар бор. Шу бис-

Мана, мамакатимиз-да янги фуқаро паспорт-ларининг жорий этилгани-га ҳам 4 йилдан ошди. Шу давр мобайнида иш-ми-нигаб портдошларимиз ишонли ва асосий ҳуж-жатларини олиб, ундаи фахрларимокдалар. Айни пайтда юртимизнинг бар-ча туманларида эски пас-портларни янгиларига ал-лаштириш борасида иш-лар олиб бориламоқда. Биз Бектемир тумани Ички ишлар бўлимининг пас-порт бўлими бошлиғи, ми-лиция майори Абдумалик Тоировдан янги пас-портларни алмаштириш жа-расини қандай кетаётган-лиги тўғрисида сўраб беришимизни сўрадик.

— Кўксимизга босиб тур-ган паспортимиз аслида ик-кинчи юрганимиздир. Шу са-баб ҳам унга бўлган ишончи-миз, эътиборимиз кўпроқ ва

Асосий ҳужжатимиз

ҚАЛБИМИЗНИНГ БИР БЎЛАГИ



қадрлироқ бўлиши керак. Қалбимизда ифтихор уйғуту-чи мустақил давлатимизнинг янги паспорти ҳар томонла-ма қулайлиги ва икхамлиги билан юрганимиздан тобора жой олмақда.

Хусусан, туманимизда э-ски паспортларни янгиларига алмаштириш ишлари уюш-қоқ-лик билан амалга оширил-моқда. Айтадиган бўлсак ҳар ой қорхона ва ташкилотларда йиғилишлар, учрашулар ва турли тадбирлар уюштириб ту-рибмиз. Жумладан 293-, 291-, 243- мактабларда, «Сувмаш», «Гидрошаш» ҳамда 56-авто-корхонада эски паспортлар-ни янгиларига алмаштириш оммавий тадбирлари ўтказ-дик. Айниқса бу ишларимиз-да туман ҳокимлиги билан бир қаторда маҳалла оқсо-қоллари ҳам яқиндан қўмақ бермоқда. Туманимиздаги ногиронларга, боқувчиси йўқ оидаларга, уруш қатнашчилар-ига туман ҳокимлиги томо-нидан ажратилган 500 минг сўм маблағ сарфлаб эски паспортларни янгисига ал-лаштириб бердик. Шунинг-дек, жойларда ҳодимларимиз бевосита тарғибот ишларини олиб бораётгани ҳам мақсад-га мувофиқдир. Бундай учра-шуларда Узбекистон Респу-бликаси паспорти мустақил давлат фуқаросининг асосий ҳужжати эканлиги, уни кўз қор-қинидаги асраб-авайлаш за-рурлиги алоҳида қайд этил-моқда. Паспорт қонун-қонда-сига қатъян риоя этиш ўқ-тирилмоқда.

Бу ишларимизда айниқса «Ободо», «Зиллола», «Рохат», «Маърифат» маҳаллалари оқ-соқолларининг саъй-ҳаракат-лари катта бўлмоқда. Шу ка-би бизнинг бу ишларимизни қор-хоналар ҳам қўллаб-қувватлаб турибди. Яъни «Сувмаш» қор-хонаси 11 минг сўм, 56-авто-корхона эса юздан зиёд иш-чиларига янги паспорт олиш учун маблағ ажратди. Аҳоли-га янада қулайликлар туғди-риш мақсадида, улар сурат-хоналарга овера бўлмаслик-лари учун маҳаллаларда учра-шулар пайтда алоҳида хо-налар ташкил қилиниш ш у ер-нинг ўзида суратга туширмоқ-дамиз.

Бугунги кунда туманимиз-даги қорхона ва ташкилотлар-нинг қадрлар бўлимини қайтадан текшириб янги кел-ган ишчиларни эски пас-портларни янгисига алмашти-риш ишларини олиб бормоқ-дамиз. Бу эса ўйлаيمانки, ишчимизни янада яхшилашга олиб келади. Шунинг ҳам ало-ҳида айтиб ўтиш жоизки, ора-мида Ўзбекистон Респу-бликаси паспорт тизими қонун-қонидарига риоя этмаётган фуқароларимиз ҳам бор. Ана шундайлардан турли сабаб-ларга қўра паспорт тизими қонидарини бузганликлар учун 685 нафар фуқарога маъмурий қоралар қўрилди.

Хуллас, амалга ошири-лаётган барча ишларимиз ян-ги паспортларни олишга қар-атилмоқда.

Одил ҲАСАНОВ.

Шарқ дурдоналари



● Бир улуг киши айтган эдики, кўркам хулқ куйидаги-ча бўлади: олиб кетса берилади, яхшиликдан маҳрум этилса яхшилик қилади, зулм қилса мурувват қилади, шундай қилган кишига одамлар ибрат кўзи билан қарайдилар.

Бир доно киши улуг олимнинг куйидаги сўзларини келтиради: «Ёқимли хулқ кишининг барча айбларини қуёш қорни эритиб юборгандек эритиб, йўқотиб юборади».

● Бир ҳакимдан: «Сен мажлисда кўп гапирсанми ёки кўп эшитасанми?» деб сўрадилар. У эса: «Менинг икки қулоғим бор ва битта оғзим бор. Шунинг учун битта гапирсам, икки марта эшитаман!» деб жавоб берди. Шейр:

Қулоғинг иккитаю, оғзинг биттадир,
Демак битта сўзлаб, икки бор эшит!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ.

● ҲИКОЯТ. Бир ҳаким деди: «Ҳикмат ҳазинаси жим туришда, унинг қалити эса камгаплиқдир!» Байт:

Жаҳонда шундай бир масал юради,
Айтилган сўз қумуш, айтилмас зар!

● Айтадилар: «Кишининг сўзи унинг фазлини баён қилувчи ақлига таржимондир!»

● Лофу ёлғон сўздан қочмоқ ва беъмани даъводан кечмоқ лозимлиги ҳақида хайрли кишилар ва илмий до-нишмандлар асарларида кўп сўз айтилган.

Фойдали сўзласа киши тортмас ғам,
Шуниг-чун ўйламай сўзлама, укам!

Ўйлаб гапирувчи сўзи содир, ёр,
Лақма ҳозиржавоб сўздан минг бор!

ИБН КАМОЛПОШШО.

● Бу ерда назар қилмоқ сўзи раҳм ва шафқат қилмоқ маъносиди. Муруввати ва шафқатли одамни ҳамма хур-мат қилади, номини эса эҳтиром билан тилга олади. Байт:

Нияти пок бўлса ҳар кимнинг агар,
Гул-ғиёҳ ўрнига гавҳар ўстирар!

● Доно кишилар: «Қаноат туганмас бойлиқдир, қаноатли киши ҳеч қачон қамбағал бўлмайди, чунки уни ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарсаси учун одамлар олдида бош эгиди» дейдилар.

● Қаноатли киши оч ва яланғоч бўлса ҳам бойдир. Доно асир бўлса ҳам амирдир.

«Маҳзан ал-улум»дан.

● Кимки ўз фикрига мағрурлиниб иш тутса йўлдан адашади, кимки ўз ақлига суяниб, ўзгалар билан ҳисоб-лашмас хорлик тартади.

● Бахил киши ўз мол-мулкнинг қоровули ва ўзгалар-га қолдирадиган меросининг ҳазиначидир.

● Кимки ўз ҳаддини билса, тилини сақласа, беҳуда сўзлашдан қочса, дўстларини хижолатга солмаса, унинг саломатлиги доимий ва пушаймонлиги эса кам бўлади. Байт:

Соғину ёшлигинг бор экан бардам,
Мақсудинг муҳассар бўлади ҳар дам.

Шундай яшаганин, иш қилсанг бирор,
Душман таънасини еб орма зинҳор!

МУҲАММАД ЗЕҲНИЙ.

● Донолар айтидилар:

— Бирор киши олдинга келиб, биров ҳақида гийбат гапларни гапирса, ундай одамнинг гапларига ишонма, чунки у сени ҳам бировга ёмонлаб, устиндан гийбат қилиши мумкин.

● ҲИКОЯТ. Абу Таййиб ат-Тоҳирий дўсти Бани Со-монни тинимсиз гийбат қилар эди. Бир кун Наср ибн Аҳмад деган киши унга: «Қачонга одам гўшти билан нон қўшиб ейсан?» деди. Абу Таййиб шу кундан бошлаб гийбатни ташлади.

● Ҳақимлар айтиди:

— Эй одамлар, дўстлик ва меҳрибонлик ўғриларида сақланг, бундай ўғриларга чакимчи ва ивгогарлар ки-ради. Ўғрилар мол ўғирласа бундай кишилар одамлар орасидаги дўстлиқни, тинчлиқни, меҳру муҳаббатни ўғир-лаб, фитна-фасод кўзғотадилар.

«Ғавоқил ал-жуласо»дан.

● Кариндош-уруғларининг ўзингдан узоқлаштира, уларга марҳамат кўзи билан бок, уларнинг гапига қулоқ сол ва ҳамisha яхшичилигининг аяма! Раҳм узок яшаш учун воситадир ва у кишининг тинч, фаровон яшашига сабабчи бўлади! Байт:

Кишиндан рози бўлса гар қариндош,
Ошиб оёруй, бўлай барчаго бош!

● Ўзининг ёмон кишилар суҳбатидан узоқ тут, чунки ёмон кишилар суҳбати жаҳаннам ўтидан ҳам ёмонроқ-дир. Ҳар суҳбатнинг бир таъсири бўлади. Чунончи яхши кишилар суҳбати фазилатни оширса, ёмон кишилар суҳ-бати заҳматни оширади.

● Бировга ваъда берган бўлсанг ваъданга вафо қил! Ваъдага вафо қилиш мард кишиларнинг иши, улуг ки-шиларнинг эса чиройли хислатларидан биридир! Байт:

Ваъдага вафодан кўра яхшироқ,
Нарса йўқ жаҳонда мундоқ ўйлаб бок!

МУҲАММАД ҲУСАЙН.

● Мингта одамни ўзингга дўст қилмадан деб, битта одамни душманга айланторма, чунки дўст мингта бўлса соз, душман битта бўлса кўпдир.

● Дўстининг шалоғоли душман ошидан яхши!

● Зиён етказмайдиган душман яхшилик қилмайдиган дўстан афзал.

Отаннинг душмани сенга ҳеч вақт дўст бўлмайди. Душмани кўпнинг роҳати кам бўлади.

● Душманга бўйин эгиш ўлимдир.

● Душманга қарши ҳийла ишлатмасанг душман ҳийла-сидан ўласан.

«Аталар сўзлари»дан

● Азизим, киши ғанимга мубтало бўлса то ундан жу-тулмагунча кечани кундуздан, кундуз эса кечадан ақ-ратолмайди. Чунончи, айтадиларки, бемор тузалиб кет-магунча емиш неъматидан баҳра тополмайди, мард ки-ши ўз душманларидан қутулмагунча хотиржам нафас ололмайди, Байт:

Ботир бўл, майдонинг соҳиби — ботир,
Тулки даола бўлса шерни қулатур!

● Азизим, жанг они ва уруш соатларида баҳодир ки-ши фақат шўрхат ҳақида ўйламаслиги, ҳаётим ва мол-мулким ҳеч нарсаси эмас, деб ўзи учун ўзи ҳукм чиқариши зарур. Жанг пайтида арзimas нарсалар ҳақида ўйлаш-дан кўра енгил ҳақида ўйлаш афзал.

Номусдан афзалроқ бўлса агар бош,
Салласам қишматни ёнигин, эй ёш!

ҲОҶА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Маҳкамлар

Асаб билан юрак қувват олади,
Оши

